

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O`RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

O`ZBEK FILOLOGIYASI BO`LIMI

I BOSQICH "B" GURUHI TALABASI

GULMIRA BOZOROVANING

Kurs ishi

Mavzu: Tog`ay Murod - qissanavis

Buxoro-2012

Тоғай Мурод – қиссанавис

Режа:

Кириш:

- мавзунинг ўрганилиш даражаси ва долзарблиги;
- курс ишининг илмий янгилиги;
- курс ишининг мақсад ва вазифалари.

Асосий қисм:

1. Тоғай Мурод ижод йўлига бир назар.
2. Адиб ижодида қисса жанрининг ўрни.
3. Тоғай Мурод қиссаларининг ғоявий-бадиий таҳлили.

Хулоса

Мавзунинг ўрганилиш даражаси ва долзарблиги. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиёти тақомилини таниқли ёзувчи Тоғай Мурод ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Унинг “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом”, “Ойдинда юрган одамлар” аллақачон китобхонлар қалбини забт этиб улгурган. Ушбу асарлар адабиётшунослигимизда ҳам ўзининг муносиб баҳосини олган. Хусусан, “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси миллий руҳи, руҳий-психологик тасвирнинг кучли ифода этилганлиги билан 80-йиллар ўзбек қиссачилигида муҳим ўрин эгаллайди. Таниқли адабиётшунос У.Норматов ўзининг “Сокин кўнгил розлари” номли эссесига Тоғай Мурод ижоди ҳақида фикр юрита туриб, “Ойдинда юрган одамлар” қиссасига юксак баҳо беради. Ушбу ишимизда биз курс иши доирасида Тоғай Мурод ижоди, хусусан, унинг қиссалари моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Курс ишининг илмий янгилиги. Ишда биринчи марта “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси махсус ўрганилмоқда. Унда қиссадаги образларни таҳлил қилиш асосида бефарзанд аёл Оймомо изтироблари очиб берилади.

Курс ишининг мақсад ва вазифалари. Ишнинг мақсади истеъдодли адиб Тоғай Муроднинг қиссаларини таҳлил қилишга қаратилган. Шу мақсаддан келиб чиқиб, иш ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- Тоғай Мурод қиссаларининг яратилиш тарихига назар солиш;
- қиссанинг композицион хусусиятларини очиб бериш;
- асардаги образлар тизимини тадқиқ этиш;
- бош қаҳрамонлар характериға хос жиҳатларни ёритиш;

Асосий қисм

80-90-йиллар ўзбек насри янгича ўзанларда тараққий этди. Бу қиссачилик ривожда ёрқин кўзга ташланади. Тоғай Мурод, Шукур Холмирзаев, Хайриддин Султонов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шодикул Ҳамро каби истеъдодли ёзувчилар реалистик қиссанинг гўзал намуналарини яратдилар. “Мустақиллик даври бадиий-эстетик тафаккурининг тараққиёт тамойиллари,-деб ёзади таниқли адабиётшунос Н.Раҳимжонов,- кўп асрлик адабий-маданий қадриятларни ва янгича баҳолашдан иборат умумий жараён билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб бормоқда... Адибларимиз ҳоҳ тарихий воқеликка, ҳоҳ диний ғояларга, ҳоҳ бугунги кунга мурожаат этишсин, уларнинг асарларида моҳиятан миллат бутунлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-фалсафий концепция яққол намоён бўлмоқда. Бу нарса бадиий тафаккурнинг “лаббайчи”дан қутулиб, инсон руҳиятининг фалсафий-психологик таҳлили орқали шахсни камолга етказишга интилиш, комиллик аломатларини улуғлашда кўзга ташланаётир ”(Н.Р.) Бинобарин, ўзбек қиссачилиги ҳам айнан ана шу тамойиллар асосида ривож топди. Бунини таниқли ёзувчи Тоғай Мурод ижодида ёрқин кузатиш мумкин.

Ўзига хос истеъдод эгаси Тоғай Мурод 1948 йил Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Хўжасоат қишлоғида дунёга келди.

Дунёни ўзича кўрадиган, одамлар табиатини ўзига хос йўсинда идрок этадиган бўлажак ёзувчи ёшлик йилларидан олдига аниқ мақсад қўйиб, шу мақсадни амалга оширишга қатъий киришди. Бу ҳақда кейинчалик у шундай ёзади: «Мен фақат бир мақсадни кўзладим: 30-35 ёшларгача жаҳон адабиётини

ўқиш. Фақат ўқиш, ўқиш, ўқиш, кўл қотиб қолмасин учун майда-майда ҳикоялар машқ этиб туриш.

Мен шу ният йўлида иморат солмадим, машина олмадим, мансаб эгалламадим, шон-шуҳрат изламадим.

Мен дунё талашмадим!

Фақат изландим, фақат ўқидим».

Адибнинг “Юлдузлар мангу ёнади”, “Ойдинда юрган одамлар”, “От кишнаган оқшом”, “Момо ер кўшиғи” сингари қиссалари 90-йиллар ўзбек насрини юксак поғонага кўтарди. Уларда ёзувчи инсон руҳиятининг турфа манзараларини ҳассослик билан ифода эта олди. Айни пайтда уларда аجدодлар шаъни, мардлик ва тантилик, ор-номус туйғуси, ҳалоллик, туғилиб ўсган заминга садоқат туйғулари ўта маҳорат билан тараннум этилган. Адиб қаҳрамонлари қишлоқнинг меҳнаткаш инсонлари: бири кураги ерга тегмаган полвон (Бўри полвон), бири моҳир чавандоз (Зиёдулла чавандоз), яна бири ҳаётини ҳақиқий севгига тиккан йигит (Қоплон) ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирида ҳаёт, умрнинг моҳияти, инсон қадри, Она юрт шаъни ҳақида ўз карашлари, фалсафалари мавжуд. Адиб қаҳрамонлари руҳан бой, эътиқодли инсонлар, уларни эгиб, синдириб бўлмайди.

Адиб қиссалари миллийлик руҳи билан суғорилган. Бу асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати, ўй-фикрлари, кечинма ва ташвишларида акс этган.

Ёзувчи ўзбек реалистик насрида янгича баён анъанасини бошлаб берди. У воқеалар баёнини яхлит ва узлуксиз кетма-кетликни сақлаган ҳолда олиб бормай, кичик-кичик қисмчалар шаклида давом эттиради. Лекин бу умумий сюжет тизимига ҳалақит бермайди. Айни пайтда асарда хронологик ҳамда маконий изчиллик сақланади.

“Юлдузлар мангу ёнади” асари фикримизнинг ёрқин далилидир. Қисса Сурхон воҳаси полвонлари ҳаётини тасвирлашга бағишланган. Асарнинг бош қаҳрамонлари Бўри полвон ва Насим полвонлардир. Саид Аҳмад “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси хусусида фикр юритар экан, шундай ёзади: “Мен Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасида Бўри полвон, Тиловберди

полвон, Абил полвонларнинг курашларини завқ-шавқ билан томоша қилдим. Сурхон полвонларининг ҳалолликлари, мард, тантиликларини кўриб ғурурланиб кетдим. Ана, ўзбек полвонлари, ана, дея ғурурландим. Тоғай Мурод тасвирлаган Сурхон полвонлари чинакам ўзбек полвонларидир”. Ҳақиқатан, адиб Сурхондарё полвонлари тимсолида ўзбек миллатига хос эзгу фазилатларни улуғлаган, қисса миллий руҳ билан суғорилган. Асарда полвонларнинг беғубор болалик, ўсмирлик ва катта ёшлик йиллари тасвирланган. Қисса ўзига хос композицион бутунлик, яхлит сюжет тизими, образлар силсиласига эга. Қисса лирик ҳазинлик руҳи билан суғорилган. Қиссада адиб оддий қишлоқ кишиларининг оддий бўлмаган ҳаётини ниҳоятда ҳассослик билан тасвирлаган. Асар, асосан, Бўри полвоннинг хотиралари асосида қурилган. Демак, қиссада адабиётшунослигимизда мавжуд хотира усули қўлланилган.

Қисса тўй ва тўйхона тасвири билан бошланади. Бунда Сурхон воҳаси тўйларига хос миллий урф-одатлар асос қилиб олинган: “Холбой сурнайчи иккита доирачи билан мумтоз мусиқалар тарона этди. Тўйхонади олти дошқозон осилди. Хизматкорлар кур бўлиб сабзи тўғради. Дошўчоқлардан саомга қоп-қора тутун ўрлади. Дошқозонлардан зиғир мойга ковурилаётган гўшт ҳиди келди”. Бу Зулфиқор полвонникида ўтказилган суннат тўйи тасвири ҳисобланади.

Тўйларда аёллар ўзига хос юмушларни бажарадилар. Шу боисдан ёзувчи аёллар даврасидаги хурсандчиликларни ҳам маҳорат билан ифода этади: “Аёллар доирани елпиб-елпиб, халқачаларини шилдиратиб-шилдиратиб оловга тоблади. Даврада чангқовуз бўзлади:

- Биёв-биёв-биёв!

Бир қиз олов гирдида бармоқларини қирсиллатиб-қирсиллатиб, чангқовуз нағмаларига хиром этди. Даврада иккита гўзал эшилиб-эшилиб ўйнади, тўлғаниб-тўлғаниб ўйнади: бири олов бўлди, бири қиз бўлди”. Чангқовуз Сурхондарё воҳасига хос чолғу бўлиб, адиб шу орқали халқнинг маънавий турмушини реалистик лавҳаларда тасвирлайди. Айни пайтда

чангқовуз оҳанглари миллатнинг узок асрлик анъаналарга садоқатининг ҳам мевасидир.

Адиб катталар ҳаёти тасвири жараёнида болалар дунёсида кечаётган воқеаларни ҳам назардан қочирмайди. Бинобарин, болаларнинг яшинмачоқ ўйинини адиб шундай тасвир этади: “Беш-олти бола жам бўлди. Бир уй ичида ерни айлана қилиб чизди. Айланани гир деб атади. Болалар бир сонни белгилаб олди. Бирови болаларни уч айлантириб санади. Мўлжалдаги сонга тушмиш бола гирда қолди. У гир ичига энгашди. Кўзларини қўллари билан яшириб турди. Болалар ҳар тарафга сочилиб яширинди. Гирда қолгани уларни излади. Гирдан-да огоҳ бўлди. Кимда-ким унинг кўзини шамғалат қилиб эпчиллик билан гирга чошиб кирса, шу ғолиб саналади... Бу, яшинмачоқ ўйини бўлди”. Бу каби лавҳалар ёзувчининг халқ қадриятларини, уларнинг миллий ўзига хосликларини теран билганлигидан далолат беради. Чунки адиб миллий тўйларимиз, миллий ўйинларимиз(яшинмачоқ, чангқовуз, гир)ни тасвир этар экан, шу орқали халқ руҳиятини акс эттиради.

Тўй маросими, кўпқари, курашли ўйин каби миллатимизгагина хос жиҳатларни тасвирлаш асосида адиб Сурхон полвонлари ҳаётига кириб боради. Булар барчаси юрт оқсоқоли томонидан эълон қилинади. Шу асосда ёзувчи юрт оқсоқолсиз бўлмаслигини уқтиради. Тўйда полвонлар мусобақаси ташкил этилади. Даврабошилиқ қилиш эса воҳада донғи кетган полвон Бўри полвонга топширилади. Шу асосда бош қаҳрамон даврабоши сифатида асар саҳифаларига кириб келади.

Даврадаги олишувлар жараёнида Бўри полвон ўз ҳаётини ҳаётини кўз олдига келтиради, болалиқ, ўсмирлик йиллари хотираларида жонланади. Полвонларни даврага чорлар экан, шундай деб мурожаат қилади: “Халойиқ!- деди,- Даврада ҳалол олишиб, элга томоша кўрсатайлик! Ҳақ-ноҳақни мен- ўзим ажрим қиламан! Айтганим айтган, деганим деган! Даврадаги Бўри полвон сўзим: тарафкашлиқ, ғирромлик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўймайман!”. Сурхон воҳасида полвонлик халқнинг қон-қонига сингиб кетган. Шундан бўлса керак, Бўри полвон дастлаб болаларга қарайди. “Бир бурчакда қунишиб ўтирмиш беш-олти ёшли бола”га унинг кўзи тушади. Бу раиснинг

ўғли Шукур полвон эди. Адиб боланинг ширин тилини Шукур полвон нутқи орқали воқелантиради: “Бўри полвон атайин шу болани етаклаб келди.- Отингиз нимади, полвон?- деди. – Шукуй! – Э, яшанг, Шукур полвон! Болалар, манови Шукур полвон билан олишадиган мард бўлса ўртага чиқсин!”. Эътибор берилса, адиб бу эпизод орқали полвонлик болалик давридан бошлаб сингдирилишига ишора қилади. Шундай қилиб, Шукур полвон ва Эрмат полвон куч синашадилар. Айни пайтда полвонлар ҳудудлар орасида ташкил этилган эди. Хўжасоатликлар, сариосиёликлар, термизликлар, шўрчиликлар ва ҳоказо полвонлар йиғиладилар. Қиссанинг автобиографик жиҳати шундаки, унда адиб ўзи туғилиб ўсган қишлоқ Хўжасоат ва унинг полвонлари хусусида сўзлайди.

Бўри полвон даврабошилиқ қилар экан, кўзи ёшлиқдаги дўсти Насим полвонга тушади. Адиб шу лаҳзадаги Бўри полвоннинг қалб изтиробларини қуйидагича чизади: “Бўри полвон беихтиёр оёқ илди. Жуда таниш бир юзга кўзи тушди. Бу ким бўлди, эслолмади. Ҳайрон бўлиб яна қаради. Бармоқлари билан кўзларини уқалаб тикилди. “Ё тавба,-дея пичирлади.- Худди Насимга ўхшайди-я. Ё, чини билан Насиммикин? Йўғ-э, у кўпқарида отдан йиқилиб, бир кўзи ожиз бўп қолган, деб эшитиб эдим. Бунинг икки кўзиям... Тагин бир кўрайин-чи...” Ҳа, бу Насим полвон бўлди. Насим полвон даврага қараяптими, ё, олисларга назар соляпими, билиб бўлмади. Бошини тик тутиб, кўзи ожизларга хос ўтирди, шоирона ўтирди». Бу ҳолатни кўриб Бўри полвоннинг “кўнгли уюшиб-уюшиб кетди”. Ҳақиқатан, Бўри полвон ёшлиқдаги дўстини бағрига босмоқчи бўлди. Бироқ “кўнгли тубида яшириниб ётмиш нимадир... нимадир, бу истагини рад этди”. Аслида полвон қалбининг тубида яширинган дард нима эканлигини адиб хотира приёми асосида ёритишга интилади. Айнан шу эпизод асарнинг бош ғоявий-бадий концепциясини белгилашга хизмат қилади.

Олисларда қолган болалик хотиралари Бўри полвон хаёлларида жонланди. Асарни ўқир эканмиз, Бўри полвон ва Насим полвонларнинг болалик саргузаштлари: тухум уриштириш, пода боқиш сингари болаликдаги дўстликнинг сеҳр тўла ташвишлари кўз олдимизда гавдаланади. Насим полвон

Бўри полвоннинг ёшликдаги жуда қадрдон, қил ўтмас дўсти эди. Улар иккови бирга далага пода боқишган, кечалари бирга ухлашган, бир дастурхонда овқатланишган: “Насим қўйларини Бўриникига қўшиб ҳайдади. Бўриларникига етиб, қўйлар айрилди. Бўриларники дарвозага кирди. Насимларники йўлида давом этди. Насим қўлидаги хивични қўйлари кетидан отиб юборди.- Ўзларинг бора қолинглар, уйни биласизлар,- деди. Ўзи Бўриларникида қолди. Бўридан айрилгиси келмади ”. Ҳақиқатан, икки дўст жуда аҳил эдилар. Адиб ўсмир ёшидаги болаларга хос хусусиятларни, қалбларида кечаётган турфа ҳолатларни ниҳоятда ҳасослик билан акс эттиради. Бу адибнинг болалар ҳаётига қай даражада яқинлигини кўрсатишга хизмат қилади. Аслида ёзувчининг қаҳрамонларининг болалик йилларига мурожаат этиш бежиз эмас. Болалик йиллари хотиралари қисса моҳиятини очишга хизмат қилади. Хўш, нима учун икки дўстнинг оралари бузилди, улар бир умрга юзкўрмас бўлиб кетишди? Бу дўстликни асрашга нималар монёлик қилди? Жавоби эса битта: дўстнинг (Насим полвоннинг)хиёлати. У ёшликдан ёлғон гапиришга ўрганган эди. Бўри ўз қишлоғидан бўлган Момоқизни жуда ёқтирар эди. Момоқизда ҳам унга нибатан илиқ туйғулар бор эди. Шу боис Бўри кўнглини дўсти Насим полвонга айтди: “- Насим ошна, бир гап айтсам бировга айтмайсанми? Ошна, Момоқиз яхши, эшитяпсанми, у яхши...-деди Бўри. Наим сергак бўлди. Бўрига синовчан тикилди. Бўри кўзларин пирпиратди. Гапида давом этди: -Насим ошна, сен Момоқизга айт, Бўри сени тушларида кўради, де. Сенга қиёқни дўржироқ беришида гап бор, де...” Бироқ Насим Бўрининг гапини Момоқизга бутунлай бошқача усулда етказди. Чунки унинг ўзи ҳам Момоқизни яхши кўрарди: “Бояги тун. Чўпонлар гулхани. Элас-элас қўшиқ...- Айт айтгичингни, Насим, қизлар ёмон хаёлга боради.

- Момоқиз, Бўри сенга бир гап айтаман, деб юрибди.
- Биладан, айтолмаяпти.
- Момоқиз, у менга кўнглини ёрди, тайин айт, деди.
- Ўзимга айтишга уялган гапни сенга асло айтмас.
- Айтишга бет чидамайдиган гап-да, Момоқиз, айтайинми нима деди? Момоқиз билан ўйнагим келаяпти... қўйнига кираман, деди.

- Ё пирим, чини билан шундай дедими?
- Алдасам, кўр бўлайин.
- Унда Бўрининг бетига қарамаганим бўлсин. Бетини мурдашўй кўрсин!
- Тагин унга айтиб юрма, ошна деган отимиз бор ”(21-бет).

Ўроққа чиққан қизлар, хирмон ҳайдаётган йигитчалар. Ана шу манзарани чизар экан, адиб ўсмирлар ҳаётига киради. Асосий юкни икки қаҳрамонга юклайди: шулардан бири Бўри – у диёнатли дўст ва севгисига садоқатли инсон. Иккинчиси Насим – у ёлғончи, хиёнаткор, қасамхўр шахс. Адиб икки дўст кечинмаларини шеър сингари лирик усулда тасвирлайди.

Регарда катта бир тўй бўлиб ўтади. Унга бутун Сурхондан полвонлар йиғилади. Бўри полвон колхоз раисининг тўйга таклифига “тобим йўқ” деб жавоб беради. Бу тўйдаги курашда Ўтан полвон Сурхоннинг манаман деган полвонларини доғда қолдиради.

Регарда ўтказилган бошқа бир даврада Бўри полвон Ўтан полвоннинг елкасини ерга теккизади.

Тоғай Мурод қиссасини ўқир эканмиз, унинг полвонлар ҳаётини, уларнинг илми-амалини чуқур ўрганганлиги ёрқин намоён бўлади. Асар давомида жуда кўп халқ курашлари тасвирланади. Буларнинг барчасида Бўри полвон қатнашади.

Асарнинг муҳим жиҳати шундаки, унда адиб ахлоқий масалаларга, халқ маънавиятига ҳам дахл қилади. Хусусан, колхоз раисининг ахлоқсизлиги билан боғлиқ лавҳалар жуда таъсирчан ифода этилган. Колхоз мироби кишлоқ сувсиз қолмасин деб сув ёқалаб ярим тунгача қолиб кетди. Бирдан кўнглига ғулғула тушиб, уйга қайтди. Не кўз билан кўрсинки, уйда раисни хотини билан бирга эди. У тутоқиб Бўри полвон (у бригадир эди) олдига борди. Шунда Бўри полвон унга раисни районга олиб боришни маслаҳат берди. Раис қанчалик ялиниб-ёлвормасин, уни отга ўнгариб, районга кетди. Ижроқўм раиси келгандан сўнг миро унга шундай деди: “- Ай, ижроқўм!- деди,- анави симёғочдаги жонивор, Холикулни Термизга ўқишга юбориб, ўзи унинг аёли билан ўйнади! Худди шу жонивор, Ҳамидни қаёққадир ишга юбориб, ўзи унинг аёли билан ўйнади!

Колхозни наҳс босди, ижроқўм, элни наҳс босди! Катта бўлсан, кара-да, уккағарнинг ижроқўми! Ана, тагин, ишонмайди, деб, наҳс қандай бўлса, шундайлигича отга ўнгариб келдим” (63-бет). Адиб раиснинг ахлоқий жиҳатдан бузуқлигини тасвирлар экан, бунинг кўпгина раҳбарларга хос иллат эканлигини очиб беради. Шундан сўнг колхозга раис қилиб Бўри полвон сайланади.

Асардаги яна бир эпизод эътиборли. Бўри полвон раис бўлгандан бир оз кейин унинг онаси дунёдан ўтади: “Ким вафот этди? Раисимиз волидаи мухтарамалари вафот этди! Ким қазо қилди? Раисимиз оналари қазо қилди.

Шундай одам йиғилди, шундай одам йиғилди! Бўри полвон ҳовлиси юзида оёқ босар ер қолмади. Ҳовлига кириб бўлмай қолди! Бўри полвон кўчаси лик тўлди! Кўчадан ўтиб бўлмай қолди!

Тобут кетидан тизилмиш машиналар бир учи Бўри полвон уйида бўлди, бир учи қабристонда бўлди” (64-бет).

Хўш, Бўри полвон раис бўлмаганда ҳам азага шунча одам тўпланармиди? Ёхуд мансабдор бўлгани учун шундай бўлдимиди? Адиб буни кўпроқ Бўри полвоннинг раислиги билан боғлайди. Бўри полвон бир ҳафтадан сўнг қабр бошига борса, “онаси қабри бошида ... оппоқ мармар сағана кўрди”. Икки ҳафтадан кейин келганда эса “она қабри тевараги... мармар тоштахта бўлди! Мармар тоштахта тўшалмиш жой бир уй ичича келди! Мармар тоштахта офтобда ялт-ялт этди!” Анча вақтгача буни ким қилганлигини аниқлай олмади. У чуқур ўйга толди: “бу ишни ким қилди? Онаси раҳматликнинг Бўри полвондан ўзга ўғли-да бўлмади, қизи-да бўлмади. Мармар сағанани эса фарзанд кўяди”. Ўғил тирик бўла туриб бундай воқеанинг рўй бериши ғайритабиий ҳол эди. Шу ўринда адиб Бўри полвон руҳиятида кечаётган жараёнларни ифодалар экан, қаҳрамонидаги ўзбекларга хос андишани, тантиликни, ор-номусни юксакларга кўтаради.

Асардаги ҳар бир эпизод ана шундай ҳаётий мазмун касб этади. “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси нафақат 80-90-йиллар ўзбек

қиссачилигини, балки бир аср давомида такомил топган бутун ўзбек қиссачилигини янгича анъаналар билан бойитди.

“Тоғай Мурод қиссалари – соф миллий ўзбек қиссалари. Тоғай Мурод қиссаларида тасвирланган одамларга бошқа халқ либосини кийдирсангиз ҳам ўзбеклиги билиниб туради,- деб ёзади Саид Аҳмад. Уларнинг хулқ-атвори ҳам бошқа халққа асло ўхшамайди. Тоғай Мурод отни шу қадар меҳр билан таърифлайдики, адиб кўшиқ айтаётибди, деб ўйлайсиз . Адиб кўнгли китобхон кўнглига кўчиб ўтади. От миниб адирларда елдай учгингиз, от ёлларини силагингиз келади” (4-бет). Бинобарин, адибнинг “От кишнаган оқшом” асари чавандозлар ҳаётини акс эттирувчи реалистик қиссадир сифатида китобхон қалбида илиқлик уйғотувчи асардир. Тоғай Мурод бу асарни ёзиш учун Сурхондарёга келиб, чавандозлар билан яшаган, уларнинг ҳаётини обдон ўрганган. “От кишнаган оқшом” ана шундай ҳаётий кузатишлар самараси ўлароқ бунёдга келган.

Асарнинг бош қаҳрамони Зиёдулла чавандоздир. У адолат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Унинг қалби болаларники каби беғубор, бировга ғайирликни билмайди.

Адиб дастлаб Зиёдулланинг болалик йилларини тасвирлайди. Унинг бошига яра чиқади. Олдинига эътибор қилмайди. Кейин қишлоқ дўхтирига боради. Дўхтир эса уни калхонага йўллайди. Бироқ қанчалик табобат қилинмасин, яралар тузалади, бироқ қайтиб соч ўсиб чиқмайди. Шундан бошлаб уни Зиёдулла кал деб атаёт бошлайдилар. Шу пайтда у бешинчи синф ўқувчиси эди. Шу асосда ёзувчи Зиёдулланинг бошидан ўтган воқеаларни қаламга олади: “Диплом сўрамайдиган турли ишларда ишладим. Қоровул бўлдим, гўлоҳ бўлдим. Охири подачи бўлдим, эл қўйини боқдим. Адирларда қўй боқиб, най чалдим. Нафасим етмай қолди. Шунда, эски бир дўмбира топдим. Дўмбирамни сайратдим, бепоён адирлар, ёйилиб ўтлаётган қўйлар, чўккилар учида узмай чуғурлаётган қушлар, паға-паға оппоқ булутларга қараб дoston айтдим” (102-103-бет). Шу асосда адиб Зиёдулла калдан Зиёдулла чавандоз бўлиб танилгунча босиб ўтилган йўлни реалистик лавҳаларда тасвирлайди.

Зиёдулла Момосулув деган қизга уйланади. Бир сурув қўй сотиб, Намоз чавандоз билан бирга бориб, Обокли деган жойдан от сотиб олади. Чунки Зиёдулла чавандознинг таъбири билан айтганда, Обокли бепоён дашт бўлиб, у ерда отлар масофа нималигини билмайди. Қиш-у ёзни шу далада ўтказади. Демак, бу ерда улғайган отлар учкур, бедов, чайир бўлади. Адиб отларни алоҳида меҳр билан тасвирлайди. Бинобарин, чавандозлик Сурхон воҳаси халқининг қадимий ва ҳамиша навқирон касблардан бири, бу касб сурхонликларнинг қон-қонига сингиб кетган. Ахир, ўша машҳур Бойчиборнинг юрти ҳам Сурхонда. Улар отни ниҳоятда қадрлайдилар. Қадимий анъаналаримизни дилдан ҳис этган адиб шу боисдан туғилиб ўсган юрти ҳақида, Саид Аҳмад таъбири билан айтганда, қўшиқ яратди. Айни пайтда оддий подачининг мусикага муҳаббати, Зиёдулланинг най, дўмбира чалиши ҳам Сурхон халқининг ниҳоятда санъатсевар халқ эканлигини исботлайди. Адиб асарда ана шу миллий руҳни бениҳоя нозик пардаларда, қахрамонларнинг жозибали қалб кечинмалари орқали ҳассослик билан бадиий гавдалантиради.

Уч минг сўмга от олган Зиёдулла уйга келади. Лекин онаси норози бўлади, от ўрнида машина олиши кераклигини айтиб, ўғлидан хафа бўлади. У онасига шундай жавоб қилади: “Емиш? Худо ҳар жониворни ўз ризқи рўзи билан яратади. От битди – қанот битди. Емиш топилади.

Биродарлар, машина деганлари темир! Жони йўқ! Жони йўқ темир одамга эл бўлмайди! Темирнинг юраги йўқ-да! От одамга эл бўлади. Боиси отнинг жони бор, юраги бор-да!” Ҳақиқатан, Зиёдулла отни машина билан қиёслар экан, отнинг одамга дўст бўлишини, унга нисбатан алоҳида меҳри ва юксак эътиқодини ифода этади. Хуллас, отига Тарлон дея ном қўяди. У бекорга бундай исм қўймайди: “Биродарлар, бўз от қандай бўлади? Сурпдай оппоқ бўлади! Борди-ю, аждодида бўлса, тўққизга тўлганда тарлон бўлади. Тўққиз ёшида бўзнинг баданида холдай-холдай қора доналар пайдо бўлади. Шундан бошлаб у бўз эмас, Тарлон от бўлади. Тарлон – хол-хол от! Тарлон – отлар сараси!” (108-б). Зиёдулла чавандоз отнинг хилларини жуда

яхши фарқлайди. Шу боси отнинг ўзига хос хусусиятларини, ташқи кўринишидаги белгиларни инобатга олиб, Тарлон дея исм қўяди.

Асар сюжети ниҳоятда қизиқарли ҳаётий воқеаларга бой. Хусусан, Зиёдулла чавандоздан мухбир интервью олиши эпизоди китобхонни бефарқ қолдирмайди. Мухбир билан суҳбатда у шундай дейди: “Болалигимдан чўпон бўлиш орзум бор эди. Шу орзу мени чўпонликка чорлади. Мактабни битириб қалб амри билан колхозда қолдим. Мана ҳозир жавлон уриб меҳнат қилмоқдаман”. Мухбир унинг меҳнатлари қандай тақдирланганини сўрайди. Шу ўринда адиб ниҳоятда содда, очиккўнгил ўзбек қиёфасини намоён этади. Мухбирнинг саволига у шундай деб жавоб беради: “Раисимиз ҳар кўрганда тўхтаб, кўришиб-сўрашади. Раҳмат, ука, раҳмат, дейди. Элнинг хизматини қияпсан, дейди. Елкамга қоқиб-қоқиб қўяди”. Ўйибор берилса, Зиёдулла чавандоз меҳнатлари учун орден, медаль, ёрлик билан тақдирланмаган. Мухбирга эса шу керак. Аслида раиснинг илиқ муносабати унинг учун ҳар қандай мукофотдан афзал. Ёзувчи Зиёдулла чавандоз тимсолида сурхонликларнинг халқ оғзаки ижоди, аниқроғи, халқ дostonларига меҳрини алоҳида таъкидлагиси келади. Бу билан Сурхонда халқнинг қадим анъаналари яшаб келаётганига ишора қилади. Зиёдулла чавандоз ниҳоятда жўшқин, қалби ёниб урган инсон. “Ота-бовамизнинг ҳунарини ерда қолдирмайин дейман-да. Калнинг нимаси бор, темир тароғи бор. Ана, ана, дўмбирам бор... Жўшиб кетдим. Дўмбирамни олиб дostonимни бошладим. Дотонимга бир ҳовли келин келди. Ҳовлида гулхан ёқилди, чанқовуз чалинди. Келин отда келди. От уловни бир айланди. От дoston бўлди.

*Боли боли болинг бор,
Минг туморли норинг бор,
Жасадингга қарайман,
Чопадиган ҳолинг бор”.*

Адиб тоталитар тузум қиёфасини мухбир йигит тимсолида очиб беради. Зиёдулла чавандознинг завқ билан айтган дostonи халқни ўзига чорлади. Ҳамма даврларда халқ маънавияти, маданияти хазинаси бўлиб

келган достоннинг тирилиши ва унинг куйланиши ҳақида ёзиш ўша давр учун катта жасорат эди аслида. Лекин мухбир йигит шундай жавоб қилади : “Маладес, ўртоқ Қурбонов, маладес. Аҳа, энди чанқовуз, гулхан... эски гаплар, ўртоқ Қурбонов. Достон, ҳа, достон! Замон нафаси йўқ. Интеллектуаллик йўқ, интеллектуаллик! Кўриб турибсиз, ҳозир атом асри. Мана, космонавтлар яна ойга учди... Хўп бўлмаса, ўртоқ Қурбонов”. Эътибор берилса, собиқ мафкуранинг таъсири мухбир фикрларидан ёрқинлашади. Бўлмаса, асрлар давомида халқ қалбида яшаб келаётган достонлар, одамни йиғлатишга қодир чанқовуз, дўмбира оҳангларида интеллектуаллик йўқ дейиш мумкинми?

Ёзувчи чавандоз ҳам ўзига хос санъат эканлигини, чавандоз бўлиш учун катта шижоат, журъат, жасурлик лозимлигини уқтиради. Улоқ ўйинида баковул яъни давра боши жарангдор товушда шундай дейди: “Чавандозлар-ов! Гапимни ўнг қулоғинг билан-да, чап қулоғинг билан-да, эшитиб ол! Чилвир олма- бир! Бир-бировингни ёмон гап билан сўкма – икки! Қамчи солма- уч! Йиқилга чавандоз устига от солма- тўрт! Отқочганда ушлашга ёрдам бер- беш! Ол, ҳа-ол!” Бу- чавандозликнинг, улоқ чопишнинг ўзига хос шартларидир. Адиб шу асосда улоқ маросимини тасвирлайди. XX аср ҳикоячилигининг дастлабки намуналаридан бўлган Абдулла Қодирийнинг “Улоқда” ҳикоясидаги лавҳалар беихтиёр ёдимизга тушади. Миллатнинг ўзлигини намоён этувчи бу маросимлар барча даврларда яшайди. Маросимда Зиёдулла чавандозга ҳам улоқ насиб этди.

“Ойдинда юрган одамлар” Тоғай Мурод санъаткорлигини намоёиш этган яна бир қиссадир. Асар 1980 йилда ёзилган, 6 бўлимдан иборат. Адибнинг бу қиссаси ҳам қишлоқ одамлари ҳаётини тавирлашга бағишланган. Айни пайтда асар биографик характер каб этади. Бу ҳақда адабиётшунос Умарали Норматов шундай ёзади : “90-йилларнинг бошлари бўлса керак, янги битган ҳовлимизга кутилмаганда Тоғайнинг ўзи танҳо кириб келди. Ўша кезлари шаҳарда тарқалган гриппдан азият чекиб эндигина ўзимга кела бошлаган, дилимга яқин суҳбатдошни қўмсаб ётган

эдим... Одатдагидек нон-чой, Тоғай хуш кўрадиган девзира гуручдан ўчоқда тайёрланган фарғонача палов... Энг муҳими, тун ярмигача давом этган ҳам мароқли, ҳам дарду ҳасратларга тўла ҳазин суҳбат. Тоғай мени ўзига яқин олиб дилидаги жамики дарду дунёсини тўкиб солди. Ўша куни мен Тоғайни янгидан кашф этгандек бўлдим. У ҳақдаги аввалги тасаввурларим гўё остин-устин бўлиб кетди. “Домла, Маъсумага уйланганимдан хабарингиз бор, -дея, энг азиз, нозик дил розини оча бошлади.- У аломат аёл, яхши ёзувчи. Дунёда онамдан кейин мени иушунадиган, қадримга етадиган зот шу! Турмушимиз жойида. Фақат биргина армонимиз – тирноққа зормиз. Шифокорларга қаратдик. Иккимиз ҳам соппа-соғ. Оллоҳнинг ўзи бермаса илож йўқ экан...”

Дарҳол “Ойдинда юрган одамлар” хаёлимдан ўтди. Қоплон тимсолида Тоғай ўз дарду дунёсини тасвирлаган экан-да деган ўйга бордим” (У.Норматов). Ушбу суҳбат “Ойдинда юрган одамлар” асарининг яратилиш тарихини ойдинлаштиришга хизмат қилади. “Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб”,- дейди доно халқимиз. Зеро, Тоғай Мурод ўзи бошидан кечирган воқеликни ғоятда ҳассослик билан бадиият призмасидан ўтказади. Асар қаҳрамонлари Қоплон ва Оймомо орқали ёзувчи меҳр-оқибат, ўзбекона андиша, ор-номус , ўзаро ҳурмат ингари инсоний фазилатларни улуғлайди.

Асар яхлит сюжет тизими, композицияси ва ўзига хос образлар тизимига эга. Қисса Қоплоннинг уйланиши эпизоди билан бошланади. Адиб дастлаб китобхонни ўз қаҳрамони билан таништиради: “Бўз бола елкадор, пишиқ қоматлик бўлади. Кулча юзларида чуқур-чуқур кулдиргичлари бўлади. Қўй кўзлик сийрак қошлик бўлади”. Бу қаҳрамонимизнинг ташқи кўринишига хос белгилардир. Ёзувчи унинг характериға хос жиҳатларни ҳам очиқ беради: “У мизожи хуш кўрмиш одамлар билан салом-алиқ қилади. Борди-келди қилади. Чин дилдан гапиришади. Кўнглиға ўтирмайдиганлар билан саломлашгиси-да келмайди. Оқибат, бўзбола бизни назарға илмайди, деймиз... У одамови. У олислардан кўз узмайди, киприклар-да пирпиратмайди... У бизни ҳайрон қолдириб-

қолдириб яшайди ”(219-220). Бўзболанинг тан олган санъаткори биргин Юнус Ражабийдир. У Ҳофиз кўшиқларини тинглар экан, ўзи ҳам кўшиқ айтишга интилади. Ёзувчи таърифлаган айти пайтда қусурларини ҳам кўрсатган қаҳрамон Қоплондир. Қоплон жуда катта қалб эгаси. Ёзувчи тасвирларига эътибор берилса, у, аввало, қаҳрамон қалбида, руҳиятида кечаётган туғёнларни, кўнгил манзараларини қаламга олади. Бу эса асарда лиризмни вужудга келтиради.

Асар сюжетида маълумки, Қоплон томонидан Эсон қассобниқига совчи боради. Оймомо Эсон қассобнинг синглиси. Оймомо кенжа фарзанд бўлиб, ота-онасидан беш яшарлигида етим қолади ҳамда акаси ва янгаси қўлида тарбияланади. Адиб қаҳрамони билан китобхонни таништирар экан, етим қизнинг изтиробларига ошно этади: “... Янга бўлмиш қобок-тумшуғига қараб кун кўрди. Янга бўлмиш қобок уйди. Шунда... шунда, сағир нафас олмади! Сағир кўзларини пир-пир этди. Сағир кўзлари олма терди. Сағир жон-жаҳди билан бешик тебратди. “Бешик тебратсам, янгам қобоғи очилади, кейин мени уришмайди...” Сағир ана шунга умид боғлади. Сағир қорни очди. Сағир бармоғини сўрди. Аммо миқ этмади... Сағир янгага қараб-қараб нон тишлади, мўлтираб-мўлтираб нон чайнади. Сағир, янгамга яхши кўринайин дея, ўзидай-ўзидай сатилларда сув ташиди”. XX аср ўзбек адабиётида етимлик мавзуи Ғафур Ғулом шеърлари ва насрий асарларида ўзининг ҳадди аълосига етган. Ғафур Ғулом Қоровой (“Шум бола”), Ёдгор (“Ёдгор”) тимсоллари орқали етим болалар ҳаётини реалистик лавҳаларда тасвирлайди. Тоғай Мурод ҳам Оймомо образи орқали акаси қўлида ўсган мунис ва ғамгин қизнинг бошидан кечирганларини таъсирчан усулда ифода этган. У кўнгли ярим қизнинг характерида шаклланган хусусиятларни қуйидагича ифода этади: “ Сағир сертамиз бўлди. Ҳаётда бўлмиш илкис қилиқлар, иринг гапларни дарҳол илғаб олди. Энг ёмони, кўнглига олди! Сағир зийрак бўлди. Зарра бошидан ҳаётга катталар кўзи билан қаради. Сағир таъсирчан бўлди”. Ҳаётда кўрганлари, оиладаги илиқ бўлмаган муносабат Оймомони тез улғайтирди. Ёш бўлишига қарамай, ҳаётга катталар кўзи билан қаради, ниҳоятда серандиша бўлиб улғайди. Шу

тасвирлар асосида ёзувчи қаҳрамонининг мўъжаз портретини чизади: “”Сағир бир қиз бўлди, бир қиз бўлди-е! Сарвқад бўлди. Сулув юзларини оппоқ десак, бизнинг ҳақимиз кетади. Қорачадан келган десак, қизнинг ҳақи кетади. Буғдойранг бўлди! Барчин юзли бўлди, саратон юлдузли бўлди, паришон зулфли бўлди. Ўрим-ўрим сочлари бировга. Кимгадир бировга талпинди... Қоп-қора холи ингичка лаблари бурчида бўла бўлмасмиди? Иягидан чуқурчаси ичида бўлса бўлмасмиди? Келиб-келиб, ўнг ёноғи учида-да бўладими!” Адиб яратган портрет орқали Оймомо ҳақида китобхонда жуда илиқ кайфият уйғонади.

Оймомога Қоплондан совчи келади. Оймомо ўзининг кимга узатилаётганлигини ҳам билмайди. Асарнинг мана шу эпизодлари “Ўткан кунлар” романидаги бадиий лавҳаларни эга солади. Чунки Кумуш ҳам Отабекни чимилдикда кўради. Ёзувчи тўй маросимини, Сурхондарёга хос урф-одатларни (фотиҳа тўйи, тўққиз, никоҳ тўйи, келин салом) сингариларни ниҳоятда ҳассослик билан тасвир этади. Хусусан, келин салом маросими тасвири ниҳоятда таъсирчан. “Кайвони момо келинни рўмоли бурчидан ичкарига етаклади. Келин бошини остонага эгди.- Мана шу остонага би-и-р таъзим. Келин остонага ўхшатиб бир таъзим қилди. Тагин бир таъзимлаб остонани тавоф қилди...- Бизни яратмиш Одам Отамизга бир таъзим. – Бизни яратмиш Момо Ҳавомизга бир таъзим... Келин чимилдикда тик турди. Чимилдик боғичида ўн саккиз хил келинлик кийими терилди. Деворларда ойнахалталар, чойхалталар, зардеворлар, сўзаналар бўлди. Сўзаналарда “Хуш келибсиз” демиш каштали сўзлар бўлди... Тагин бир сўзанада оғзида қизил гул тишлаб парвозланмиш каптар бўлди. Каптар остида “О” ҳарфи кашталанди. Каптар интилмиш манзил тарафда “Қ” ҳарфи кашталанди. “О” – Оймомо бўлди. “Қ” – Қоплон бўлди”. Каштачилик халқимизнинг қадимий хунарларидан бири. Аслида каштада ҳам ҳаёт рамзлар орқали акс этади. Муҳаббат эгалари номларининг кашталарда муҳрланиши, ундаги тасвирлар икки кўнгилда туғилган ишқни мустаҳкам қилади. Айни пайтда келин уйининг безатилиши, ундаги турли-туман нарсалар: ойнахалта, чойхалта, зардевор, сўзана сингарилар миллий

турмушимизни ўзида акс эттиради. Айни пайтда ўзбек аёлларининг хунармандлигини, саришталик сифатларини намоён этади.

Адиб шу асосда Қоплон ва Оймомонинг оилавий ҳаётини миллий лавҳаларда бадиий гавдалантиради. Бинобарин, қиссада оддий кишиларнинг оддий бўлмаган ҳаёти, инсон қалбида кечадиган нозик жараёнлар акс этирилган. Саид Аҳмад бу ишқ достони ҳақида шундай ёзади: “... Тоғай Мурод ҳам дoston ёзди. Отини “Ойдинда юрган одамлар” кўйди. Қиса номини ўқишингиз биланоқ сизни аллақандай сирли-сехрли ойдин кеча бағрига олади. Ичингизга ажиб бир нур ўрмалаб киради. Дил-дилингизни ёритиб юборади”. Ҳақиқатан ҳам Оймомо ва Қоплон муҳаббати қалбларга нур олиб киради. Асар сюжетида маълумки, Қоплон билан Оймомо фарзанд илинжида тунни тонгга, кунни ойга, ойни йилга улаб яшайдилар. Улар юксак сабр-бардош тимсоли. Тоғай Мурод айтганидек, фарзанд кўриш учун ўзларини кўрсатмаган табиб, дўхтир қолмайди. Лекин ҳеч қачон умидларини узмайдилар. Бу жиҳатдан асардаги икки эпизод жуда эътиборли. Оймомо туш кўради. Тушида унинг кизи бор эмиш. “Олапар қабатида қизалоқлар давра бўлиб ўтириб босмалим ўйнар эмиш. Бир қизалоқ гилосдай-гилосдай бешта тош, иккитасини ўнг, иккитасини чап тарафига қўярмиш. Қўлида қолмиш бир тошни осмонга отармиш... Қизалоқ... онамиз кизи бўлди. Онамиз қиз отини билмасмиш. Қизи босмалим ўйнай берармиш, ўйнай берармиш... ” Бу туш Оймомонинг қалбини ёритди. Гўё орзулари ушаладигандай ҳис этди ўзини. Бироқ тушини кўшнининг гўдаги белидан тепди. Тонг отса-да, у кўзини очмасмиш: “Ҳали тонг олис,- умидланди онамиз.- Тушимнинг охирини кўраман. Шунда қизимнинг отини билиб оламан...”. Туш кўргандан сўнг Оймомо дугонаси Барчиной билан дардлашади: “ – Бир кишининг бир ёзи бўлади, қарғанинг қағиллагани қолади, Оймомо дўстим!

- Мен уни кўрдим, Барчиной дўстим, кўрдим! Яратганнинг ўзи уни тушларимга солди, кўнгилларимга солди! Нима қилайин, вақти соати етмаган эканми, қўйнимга солмади... Тушларим тўлди, кўнгилларим тўлди. Нима қилайин, қўйним тўлмай турибди, қучоғим тўлмай

турибди...Барчиной дўтим, мен уни толтушда кўрдим, толтушда! Дугоналари билан тутимиз остида босмалим ўйнади. Ишонмасангиз, Олапар итимдан сўранг. Босмалимда унга тенг келадигани бўлмади...” Кўнглида умид уйғотган бу туш Оймомони анча тетиклантирди. Шу боис у ўзига таскин беради: “Тирноққа зор бўлиб ўтганлар нечов! Мен ҳали кўрарман, умидим кўп... Фарзанднинг эрта-кечи бўладими... Бировга эртароқ беради, бировга ке беради”. Иккинчи эпизод Қоплон билан боғлиқ. Қоплон Хизрга дуч келади: “Чол олис боғлар, пахтазорларга ўйчан боқиб турди. - Қани. Эсонмисиз, омонмисиз... Отамиз шундай дея, чол қўлини кафтларига олди. Чол сесканиб қўл тортди. Отамиз чолни таниди: ҳазрати Хизр бобо! Боиси бошмалдоғида суяги йўқ. Ҳазрати Хизр бобо одамзод мушкулини осон қилажак, ҳожатини чиқражак эзгулик пири! Отамиз ўзида йўқ қувонди! Дардига даво топишдай бўлди! Энтикди! Яйради!” Шунда Қоплон Хизрдан мадад сўради. У қалбини тилкалаб келаётган дардларни унга тўкиб солди: “- Изидан ўғил қолдириб, отаси учун мотам туттирмаган эркак, эркак бўптим! Орқасидан қиз қолдириб, энаси учун қора кийдириб, аза очдирмаган аёл. Аёл бўптим! Дунёга келдим деб юрмасинлар Ҳазрати Хизр боважоним! Кўпга берган тирноқни биздан-да дариг тутманг! Менга раҳмингиз келмаса, энасига раҳмингиз келсин, Ҳазрати Хизр боважоним! Пошикаста куйиб-куйиб адойи тамом бўлди, ўлик бўлиб гўрда йўқ, тирик бўлиб тўрда йўқ, Ҳазрати Хизр боважоним ”. Ёзувчи китобхонини Қоплон изтиробларига шерик этар экан, инсон умрининг мазмуни, лаззати ва бардавомлиги, оила мустаҳкамлиги фарзанд эканлигини, умр бўйи мана шу улкан илинж, орзу билан яшаган икки қалбнинг бардоши ва матонатини маҳорат билан тасвир этади.

Умуман, “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси ўзбек реалистик қиссачилигини янги поғоналарган кўтарди. Асар номи ҳам рамзий маъно ташийд. Аслида асарнинг бош қаҳрамонлари Қоплон ва Оймомо ойдинда юрган одамлардир. Чунки ёруғ кунлар яратиш учун ҳамиша бир-бирига суянч, таянч бўлган, қайғу-ғамларини меҳнат билан енгган, фақат эзгу

орзулар билан яшаган кўнгли ойдин иики қалбнинг изтироблари, ўй-кечинмаларини маҳзун руҳда ғоятда ҳассослик билан тасвир этилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Тоғай Мурод чинакам ўзбек халқ вакили тимсолини бор бўй-басти ила кўрсатиб берган ижодкор, ўзбек халқининг севимли ёзувчисидир. Тоғай Мурод бирорта асарини шунчаки ёзмайди. Куйиб-ёниб, гоҳ изтироб билан, аламли фарёд билан, гоҳ кўкси тўла ғурурбилан, оламни бузгудай қувонч билан қалам суради. Шу боис ўқувчини ҳам эргаштира олади.

Тоғай Мурод қиссалари, умуман олганда, асарлари халқига қўйилган ҳайкаллардир!

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

Ijtimoiy-siyosiy asarlar

1. Karimov I.A. Barkamol avlod orzusi. T. «Sharq» - 1999.
2. Karimov I.A. Biz kelajagimizni o`z qo`limiz bilan quramiz. 7-jild. T, «O`zbekiston» - 1999.
3. Karimov I.A. Bunyodkorlik yo`lida. 4 - jild. T, «O`zbekiston» - 1999.
4. Karimov I.A. Buyuk kelajak sari. T, «O`zbekiston» - 1999.
5. Karimov I.A. Ma`naviy yuksalish yo`lida. T, «O`zbekiston» - 1999.
6. Karimov I.A. Olloh qalbimizda, yuragimizda. T, «O`zbekiston» - 1999.
7. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. T, «Sharq» - 2001.
8. O`rta umumta`lim maktablar uchun davlat ta`lim standarti. T, «Sharq» - 2001.

Badiiy va ilmiy adabiyotlar

9. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. I ж. — Т.: Фан, 1991. — 384 б.
10. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. II ж. — Т.: Фан, 1992. — 248 б.
11. Т.Мурод. От кишнаган оқшом. —Т.: Шарқ, 2006. —287 б.
12. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. — Т.: Университет, 2000. — 100 б.
13. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. — Т.: Шарқ, 2002. — 256 б.
14. Умуров Ҳ. Бадий асар назарияси. — Самарқанд: Нашриётсиз, 2002. — 110 б.
15. Ҳотамов Н. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат. — Т.: Ўқитувчи, 1969. — 365 б.
16. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. — Т., Ўқитувчи, 1979. — 367 б.